ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ

БУГУН ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 125 (7. 214) 1990 йил 4 июнь, душанба Баҳоси 3 тийин

Ошкора мулоқот

«Партияга ишонаман»

Коммунистик партиянинг келажагини қандай тасаввур этиш мумкин, у партия танглиги деб аталаётган ҳолатдан чиқа оладими? Партия фаолияти ҳақида съездолди фикрларини билиш мақсадида мухбиримиз коммунистларга мурожаат қилди. Бу саволларга КПСС XXVIII съезди делегати, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби Г. А. Григорян жавоб беради.

1. Жумҳурият коммунистларининг XXII съездидан нималарни кутяпсиз?

2. Анжуманда қандай қарор учун қўл кўтарган бўлардингиз?

3. Қарорларнинг бажарилишига ишонасизми?

1. Қийин бир ички қарама-қарши ҳислар билан ошноман. Албатта, яхши натижага эришишимизга ишончим комил. Ўзбекистон коммунистлари анжуманда бугунги кунининг долзарб масалалар юзасидан фикрлашиб, холисона бир тўхтамга келадилар, деб ўйлайман.

«Биз халқнинг кўнглидаги гапни тўғри топа билсаккина идора қила оламиз», — деган эди доҳиймиз В. И. Ленин. Бу айни ҳозирги кунимизга хос айтилган ҳақиқатдир.

Тан олиш керак, ўзимизнинг партия анжуманимизда ҳам, район конференциясида ҳам танқид кўп бўлди. Айтилган бу танқидий фикрлар амалга ошса эди, коммунистларнинг роли ҳам, партиянинг обрўси ҳам ошган бўларди.

2. Тўғридан-тўғри айтиб қўяй: қайта қуриш ва партиянинг сиёсатига мос тушмайдиган қарор учун қўл кўтармайман. Менимча, партиянинг қарори — халқнинг қарори. Халқнинг тинчлиги, фаровонлигини кўзлаб баён этиладиган қароргина амалий натижаси билан аҳамиятли. Қолаверса, қўл кўтармоқчи бўлган ҳар қандай тадбирим орқасида мени делегат этиб сайлаган коммунистларимни кўраман.

3. Ишонаман. Тўғри, ҳозир партия қарорларининг бажарилишига баъзилар шубҳа остидан қарайдиган бўлдилар. Ахир қарорнинг бажарилиши ҳар бир коммунистга боғлиқ-ку! Энди у коммунист ўзига юклатилган вазифага тўғри ёндошмаса бутун бир партияни ёмон отлиққа чиқариб қўйиш керакми?! Мана ҳозир кўппартиялилик ҳақида анча гап бўлаяпти. Майли Коммунистик партия билан рақобатлаша оладиган партия бўлса майдонга чиқсин. Шунда ҳам барибир коммунистлар партиясининг кучига ишонган бўлардим. Бу ишонч унинг сон жиҳатидан эмас, ғоявий-сиёсий илгарилаб кетганидан. Шу пайтгача қайсики яхши ишлар амалга оширилган бўлса, ҳаммаси Коммунистик партиянинг кучи, ташаббуси билан бўлди. Афсуски, биз ундан кўпроқ қора доғларни қидиришга тушдик. Унинг кучи ва қудрати ҳамиша мустаҳкам бўлишига ишонаман.

Жавобларни Ф. ҲУСАНОВА ёзиб олди.



⊙ СУРАТДА: Г. А. Григорян.

КПССни янгилаш—қайта қуриш муваффақиятининг калити

Ўзбекистон коммунистлари ўзларининг навбатдаги XXII съездига қизғин тайёргарлик билан келдилар. Бугун уларнинг энг фаол вакилларк— съезд делегатлари муҳим долзарб масалаларни муҳокама қилишга киришдилар.

Бугунги кунда партиямиз оғир ва масъулиятли даврни ўз бошидан кечираётганн барчага аён. Қайта қуриш мафкураси, бунн амалга оширишнинг аниқ йўл-йўриқлари, ҳозирги халқ хўжалик вазифалари, ижтимоий муносабатларнинг характерларн ва кўринишларн партиянинг ўзида туб демократик ўзгаришларни тезлик билан амалга оширишни қатъий қилиб қўймоқда. «Ўзимизни «авангард», «илғор отряд» деб аташнинг ўзи камлик қилади, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин, — Шундай ҳаракат қилиш керакки, бошқа ҳамма отрядлар биз олдинда боряптганлигимизни кўрсинлар ва буни тан олишга мажбур бўлсинлар».

Ҳа, ҳақиқатан ҳам айни кўппартиячилик юзага келаётган бир пайтда масаланинг ана шундай кўндаланг қўйилиши ғоят жиддийдир. Коммунистик партия ҳамиша авангард бўлиб келган. Ишончимиз комилки, қайта қуришни бошлаб берган партиямизнинг ўзи уни олдида боради, яловбардорлик қилади. Ўзбекистон коммунистлари ҳам унинг ишини қайта қуришга, партия сафларини мустаҳкамлашга, партиянинг обрўсини оширишга сидқидилдан хизмат қиладилар.

Бугун буларнинг ҳаммаси партия ишини яхшилашга, демократиялаштиришга қаратилмоғи лозим. Шу маънода Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури эзгу ишларга яхши негиз бўла олади.

Нуқтаи назар

КОММУНИСТМИСАН, ОДАМЛАРДАН АЙРИЛМА

ОЛОП бозори ғала-ғовур. Одамларни оралаб одмигина кийинган уч киши нарх-навони кўздан кечириб юришибди. Маҳсулотлар баҳоси осмонда. Унинг нархони — пул. Ҳа, дейди учовлондан бирови, кам даромадли тошкентликлар бозорларимиздан помидор, бодринг сотиб олишолмайди. Картошка ва пиёзнинг нархлари ҳам баланд. Нима қилиш керак?..

Яқингина ўтмишда ҳозир бу кишилар лавозимини эгаллаганлар олдини кесиб ўтиш нари турсин, ҳатто улар ўтган кўчаларда транспорт қатнови ҳам тақа-тақ тўхтатиб қўйиларди. Наинки жумҳурият ёки вилоят, жуда кўп район партия етакчилари ҳам, қуйи идораларнинг мўъжазгина раҳбарлари ҳам халқ билан бир неча поғона юқорида туриб ўзбек бўлатуриб ўзбекчани билмагани учун ўзга тилда, расмий тилда, баландпарвоз тилда сўзлашишарди. Улар коммунистлар эдилар.

Бундан етти йил муқаддам пойтахт районларидан бирида партия анжуманида иштирок этдим. Тушки танаффусда мажлис ҳайъатидагилар узун-калта бўлиб ошхона орқасидаги махсус хонага виқор билан кириб кетишди. Бу ердаги антиқа таомлар қаторида чумчуқнинг сути йўқ эди, холос. Умумий ошхонада эса икки хилгина тушлик, шунгаям навбат аргимчоқдай чўзилиб кетган. Ҳайъат текин овқатларни «тушириб», саҳна орқасидаги махсус хонада ўзларини одамлардан паналаб ўтиришарди. Булар коммунистлар эдилар, коммунист бўлатуриб, одамларни оралаб юришни, улар сафида бўлишни ўзларига номуносиб деб билишарди. Ҳатто айрим оддий коммунистлар ҳам уларга тақлид қилиб, фирқасизлар билан расмий мулоқотда бўлишга ўрганиб қолишган эди.



⊙ ЯНГИ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА. Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати, «Зенит» заводининг директори Анвар Аъбош инженер ўринбосари Х. Фозамович Юсупов (чапдан учинчи) зилбеков, 10-цех бошлиғи С. Каримов, созловчи Ю. Яранов, электрокарь ҳайдовчиси Қ. Шариповлар билан навбатдаги долзарб вазифалар ҳақида ўзаро фикрлашмоқда.

Т. Каримов суратлари.

Ўтмишдаги шу кўринишни яқинда Бектемир район партия қўмитаси пленумидан сўнгги муҳит билан таққослаб кўрдим. Анжуман тугади. Йиғилиш ҳайъати кўпчилик қатори ошхонага кирди. Кимдир саркотиб Соболевга ўз навбатини таклиф қилган эди, Геннадий Иванович унамади, ҳамма қатори ўзи пул тўлаган таомини кўтариб келиб, қўмитанинг оддий қурувчилардан иборат гуруҳи сафига келиб қўшилди.

Нима, бу камтарликми? Ҳа, замон руҳига мос оддийлик. Айни пайтда ўзини саркор қилиб сайлаган қадоқ қўлларга ҳурмат ила эҳтиром бу.

Собит отани Тошкентнинг собиқ Марказий районида кўпчилик танирди, бир сўзли, чўртқесар кекса эди. У билан мен ҳам район ижроқўми раиси қабулхонасида танишгандим. Кутавериб отанинг тоқати тоқ бўлди. Эшикни қия очиб мўраладию, газета ўқиб, папирос тутатиб ўтирган раснинг олдига дангал кириб борди.

— Бандман! — ўшқирди раҳбар.

— Бандлигингни кўриб турибман, — босиқлик билан гапирди Собир ота, — чўнтагингда, ҳойнаҳой партия билетинг ҳам бордир? Бор. Коммунист бўлмасанг бу курсига ўтиролмайсан. Ҳой, ноинсоф, қабулхонангда мудраб ўтирган дардманлар сендан эмас, сендақалар аъзо бўлган партиядан ўкинишади-ку, ахир! Буни тушунасанми?

Ота бюрократни бир замбил лой қилиб, нима мақсадда раҳбар ҳузурига келганини ҳам эсидан чиқариб, эшикни қарсиллатиб ёпганича чиқиб кетди. Афсуски, ўша биз турғунлик деб атама берган йилларда бунақалар бемаза қовунининг уруғидан ҳам кўпайиб кетишганди. Улар қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам жуда кўп эди. Ҳа, биз узоқ йиллар давомида «Партиянинг кучи унинг кенг халқ оммаси билан бирлигидадир», деган шиор остида яшаб келдик. Бироқ партия амалий фаолиятининг негизига айланиши керак бўлган В. И. Ленининг бу доҳиёна фикри қизил алвонлардагина қолиб кетди, холос.

Бас, биз партиямизнинг азалий обрў-эътибори, инқилобий шоншуҳратини тикламоқчи эканмиз, унинг «Партия халқ учун яшайди, халққа хизмат қилишни ўзининг олий мақсади деб билади» деган юксак принципи ҳаётда тўла-тўкис ўз ифодасини топмоғи лозим. Бунинг учун коммунист одамлардан айрилиб қолмаслиги, омманинг соф бир заррасига айланмоғи керак.

А. НУРИМОВ.

Тонгги рўзномаларда

⊙ «Правда» ва «Известия» рўзномаларининг бугунги сонида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Америка Қўшма Штатларига расмий сафари билан боғлиқ материалларга кенг ўрин берилган. Шунингдек, рўзномаларда М. С. Горбачев ва Э. А. Шеварднадзенинг АПН мухбирига совет телевидениеси учун берган суҳбат матни ҳам босилган.

⊙ Рўзномаларда СССР Олий Советининг «Жамоатчилик бирлашмалари тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида»ги Қарорн ва шу Қонун лойиҳаси матнн ҳам эълон қилинган.

⊙ Мамлакатимиз ва чет эллардаги воқеаларга ҳам рўзномаларда кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИ ИШ ҲАҚИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1990 йил 1 сентябридан бошланғич (I-IV) синфлар ўқитувчилари иш ҳақи улар ўқув соатини ҳафтасига 20 соатдан 14 соатга камайтириш ҳисобига ойига ўртача 35 фоиз оширилсин. Бу бошланғич синфлар ўқувчилари таълим-тарбия жараёни сифатини оширишга, мустақил ўқиш учун энг қулай шароитлар таъминланишига, жумҳурият ёш фуқаролари таълими ва тарбияси учун муаллимлар касб тайёргарлиги ва масъулиятини оширишни рағбатлантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шу мақсадлар учун бу йил 20,8 миллион сўм, келгуси йилларда ҳар йили 62,5 миллион сўм маблағ излаб топиш топширилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармони

МУСУЛМОНЛАРНИНГ САУДИЯ АРАБИСТОНИГА ҲАЖ ҚИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР Президенти фармойишини ижро этиш юзасидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Ўрта Осиё регионида истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июнидан 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси (Ўртоқ Рафиқов) ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиш ва олиб келишни таъминласин, ана шу мақсадлар учун Ил-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб, уларни доимий истиқомат жойларига етказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги (Ўртоқ Йўлдошев) рухсатномалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги (Ўртоқ Азимов), Ўзбекистон республика божхонаси (Ўртоқ Тарасов) СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (Ўртоқ Баҳромов) ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (Ўртоқ Усмонов) Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совғалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети (Ўртоқ Шобадураҳимов) мусулмонлар диния бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 2 июнь.

МАХСУС РЕЙС БИЛАН—ҲАЖГА

Ўрта Осиё жумҳуриятлари: Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда истиқомат қилувчи 500 нафар диндор фуқаро июнь ойида Маккa ва Мадинага ҳаж қиладн. Бундай кўп сонли ҳаж қилувчилар манзилга илк бор аэрофлотнинг махсус рейслари билан элтиб қўйилади.

Шу муносабат билан фармон қабул қилинмоқда. Фармонга биноан жумҳуриятнинг бир қанча министрликлар ва идоралари бу сафар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашишлари зарур.

Граждан авиацияси бошқармаси ўз ихтиёридаги барча қулайликларга эга бўлган самолётлардан иккитасини — замонавий ИЛ-86 ва ИЛ-62 ҳаво лайнерларини ажратади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳаж қилувчиларни зарур дори-дармонлар билан таъминлайди, Саудия Арабистонида бўлинадиган бутун давр мобайнида малакали тиббий хизматни ташкил этади.

Ҳаж қилувчилар орасида турли касб вакиллари — қишлоқ меҳнаткашлари, ишчилар, хизматчилар, пенсионерлар бор. Ҳажга борувчиларнинг кўпчилиги руҳонийлар вакилларидан иборат.

Ҳажга борувчиларга Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бошчилик қиладн.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонига шарҳ

Ўзбекистон ССР Президентининг янги Фармони — республикада болалик тўғрисида, ёшларнинг мураббийлари ҳақида ижтимоий ғамхўрлик снёсати изчил амалга оширилаётганлигининг яна бир далилидир. Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловига ҳаракат дастурида ушбу снёсатнинг негизлари баён этилган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Келажагимиз — мактабда» мурожаатномасида ўз ифодасини топган эди.

Нима сабабдан бу гал айнн бошланғич мактаб муаллимларига афзаллик берилди?

Бошланғич мактаб — умумий ўрта таълимнинг асосий пойдеворидир. Болаларнинг келгусидаги таълими муваффақияти, уларнинг ҳар томонлама камол топиши кўп жиҳатдан бошланғич мактаб ишининг натижаларига боғлиқдир. Барча маърифатли мамлакатларда бошланғич мактаб тўғрисида жамият алоҳида ғамхўрлик қиладн. Бизда эса бошланғич мактабга кейинги пайтларгача етарли эътибор берилмади ва бундай муносабат оқибатида аҳолн таълими сифатида жиддий муаммолар пайдо бўлмоқда.

Таълим-тарбия жараёнининг асосий снймоси муаллим эканлиги тўғрисидаги ҳақиқат бошланғич мактабда айниқса сезилиб туради. Бугунги кунда жумҳуриятимиз мактабларининг бошланғич синфларида 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган 1,6 миллиондан зиёд бола таълим олмоқда. Уларга 72 минг муаллим дарс бермоқда. Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқ, тушуниб ўқиш, ҳисоблаш кўникмаларини, теварак олам тўғрисидаги дастлабки билимларнинг муайян ҳажмини мустаҳкам эгаллашлари учун, бола руҳиятини жадал шакллантириш ва ривожлантириш, унинг ахлоқи, мулоқот ва ҳамкорлик тажрибасини, ақлий ва бадиий қобилиятини, фаол ҳаётий позициясн асосларини ҳосил қилиш учун муаллимлар зиммасига алоҳида масъулият юкланади.

Фармонда бошланғич мактаб муаллимларининг ўқув дарсларини камайтириш кўзда тутилганлиги педагогларнинг болалар билан ҳар бир учрашувга янада яхшироқ тайёргарлик кўришларига, ўзларининг руҳий-педагогик тайёргарлиги даражасини ошириш юзасидан изчил иш олиб боришларига, маданий билим савиясини оширишлари учун вақт ажратишларига имкон беради.

Мамлакатда биринчи бўлиб Ўзбекистонда бошланғич мактаб муаллимларининг ўқув дарслари камайтирилди. Фармон жумҳурият олий снёсий раҳбариятининг мактаб ишида аниқ силжишларга эришишга астойдил интилаётганлигини акс эттиради.

Бошланғич синфларнинг 72 минг муаллими 1990 йилнинг 1 сентябридан бошлаб ўқув дарслари ҳафтасига 20 соатдан 14 соатга камайтирилиши муносабати билан маълумоти ва иш стажига қараб, ойига 30 сўмдан 60 гўмгача қўшимча маош оладилар.

20 соатлик дарс бериладиган муаллимларнинг ана шу тафсига ҳақ тўлаш учун 177,8 миллион сўм ажратилди, ҳафталик дарс 1990 йилда 14 соатгача камайтирилганда, қўшимча равишда 20,8 миллион сўм, шундан кейинги йилларда ҳар йили 62,5 миллион сўм ажратилади.

Қабул қилинган тадбирлар бошланғич мактабда таълим-тарбия жараёни сифатини яхшилашга, шунингдек ўз билимини ошириш, жумҳурият ёш авлодини тарбиялаш йўлида касб тайёргарлиги ва масъулиятини кучайтиришни рағбатлантириш учун ғоят қулай шарт-шароитни таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг пленуми

2 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Ўзбекистон касаба уюшмаларининг XIV съездини чақириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг раиси Ҳ. А. Алимова маърузе қилди.

Пленумда жумҳурият касаба уюшмаларининг XIV съездини 1990 йил 11 сентябрда Тошкент шаҳрида чақиришга қарор қилинди. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг фаолияти ва ҳозирги шароитда уни янгилаш йўллари тўғрисидаги ҳисобот; тафтиш комиссиясининг ҳисоботи; Ўзбекистон ССР касаба уюшмалари федерациясининг Низоми лойиҳасини ҳамда съезднинг дастурий ҳужжатларини муҳокама қилиш; ташкилий масалаларни ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш съезднинг кун тартибига киритилади.

[ЎзТАГ].

ШАРТ ҚЎЙИШ ЭМАС, ОҚИЛЛИК КЕРАК

— Ўзбекистондан чақирилувчиларнинг армия сафида хизмат қилишларига доир муаммоларни ҳал этиш учун бугунги кунда ана шу зарур, дейилади Тошкент шаҳар комсомол фаолларининг республика Олий Советига ва ҳукуматига, барча фуқароларига Мурожаатида.

Жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар ва энг аввало ошкоралик Қуролли Кучларда мавжуд кўпгина салбий ҳолларни очиб ташлаш имконини берди, дейилади сўнгра мурожаатда. Бизни ҳарбий хизматчиларнинг ҳалок бўлиши, шу жумладан Уставга зид бўлган ўзаро муносабатлар, миллатлараро низолар туфайли содир бўлаётган кўргиликлар чуқур ташвишга солмоқда. Биз ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари билан биргаликда қайғурмоқдамиз ва ҳар бир ана шундай ҳолни очиқчасига ва ҳар томонлама чуқур, жамоат вакиллари билан биргаликда текшириш ва чора-тадбирлар қабул қилишни талаб қиламиз.

Шу билан бирга биз айрим жамоат ташкилотларининг армияга зид кайфият туғдиришга уринаётганликларидан, армияни сақлашнинг ҳожати йўқ, деган сафсаталаридан Қуролли Кучларда хизмат қилишдан бош тортишга даъват этишаётганидан, барча ҳарбий хизматчиларни республикага зудлик билан чақириб олишга ва «миллий» армия тузишга даъват этишидан ташвишланаётганимизни билдирамиз, дейилади мурожаатда. Бундай даъватларнинг масъулиятсизлик билан айтилаётгани биз учун равшан. Шарт қўйишлар ва митингбозлик эҳтирослари — етилган муаммоларни ҳал этишнинг усули эмас.

Шу муносабат билан шаҳар комсомол фаоллари республика Олий Совети ва ҳукумати томонидан чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ёрдам берадиган чора-тадбирлар муҳокама этилишини таклиф этадилар.

Бу — республикамиздан чақирилаётганларни тўғри тақсимлаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, Иттифоқ ҳукумати олдига Ўзбекистон ССРдан чақирилувчиларнинг умумий сонини қисқартириш ҳақидаги масалани қўйиш бўлмоғи зарур. Бунда чақирилувчиларнинг оилавий, моддий аҳволи, уларнинг саломатлиги қай даражада эканлиги ҳисобга олинмоғи лозим. Комсомол фаолларининг фикрига кўра, хизматни кейинги йилларга кўчириш ва озод қилиш ҳуқуқини берувчи моддалар рўйхатини кенгайтириш зарур. Кузги чақирилувдан бошлаб эса турли сабабларга кўра ҳарбий хизматни ўтай олмайдиган йигитлар учун шаҳар ва республика халқ хўжалиги қурилишларида альтернатив хизмат қилиш учун имконият берадиган тадбирлар туркумини ишлаб чиқиш лозим. Қурилиш қисмларида ва бошқа минтақаларнинг бўлинмаларида ҳамюртларимиз ҳарбий хизматни қандай ўташларини тушунтириш учун республика комиссиясини тузиш, шунингдек, ҳамюртларимиз хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда уларни вақтли матбуот, китоблар, грампластинкалар, миллий рўзғор буюмлари билан таъминлаш фондини ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Сўнгра қарорда шу нарса айтиладики, муфассал таҳлил керак, матбуотда ҳалок бўлган жангчиларнинг қайси минтақадан эканлиги, миллати, ўлимининг сабаби кўрсатилган маълумотлар матбуотда кўрсатилиши керак. Шу билан бир қаторда армияда хизмат чоғида ҳалок бўлганларнинг ва жароҳат олганларнинг оиласига моддий ёрдам бериш моддасини киритиш зарур. Шунингдек, ўзбекистонлик жангчилар билан уларнинг ота-оналари иштирокида туркум телекўприклар ташкил этиш, ҳарбий хизматчилар хизматни битирганларидан сўнг махсус рейсда уюшган ҳолда қайтиб келишларини йўлга қўйиш, запасга бўшатилган жангчиларни ишга жойлаштириш системасини яратиш зарур.

Шаҳар комсомол фаоллари барча жамоат ташкилотларига шарт қўйишларидан воз кечиш, юртдошларимизнинг Совет Армияси сафларида хизмат қилиш муаммоларини ҳал этиш юзасидан биргаликда, оқилона ишларга ўтиш даъвати билан мурожаат қилдилар.

Партия ахбороти

«Мулоқот»

⊙ **БЕКТЕМИР район партия комитети қошида «Мулоқот» мунозара минбари ташкил этилди.** Бу ерда унинг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг аъзолари, котиблари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари иштирок этдилар.

Тошкент олий партия мактаби КПСС тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ф. Б. Исҳоқов «Янгиланаётган жамиятда партия» мавзусида маъруза қилди. Мулоқот сўнгида у йиғилганларнинг жуда кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Долзарб масалалар бўйича ҳар ойда ана шундай мулоқот бўлиб туради.

А. СОЛИЕВ,
Бектемир район партия комитети ташкилий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари.



⊙ **ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН.** «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси устки трикотаж фабрикасининг чевари Муҳаббат Ўсарова.

Х. Шодиев сурати.



⊙ **ИШЧИЛАР ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛМОҚДА.** Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғув цехида.

Р. Шарипов сурати.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисидан

ЁНҒИНДАН ҲИМОЯНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

⊙ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борган навбатдаги мажлисда бошқа масалалар қаторида шаҳарда ёнғин хавфсизлигини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

МАЖЛИС қатнашчиларига саноат корхоналарида ёнғинга қарши тайёргарликнинг аҳволи таҳлил этиб берилди. Бу ҳақда шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. И. Парфенов, шаҳар ёнғиндан муҳофаза этиш бошқармасининг бошлиғи В. Д. Добрий ахборот бердилар. Ёнғин хавфсизлиги аҳволи қониқарсиз бўлган саноат корхоналари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Ўтган йили шаҳарда 2820 ёнғин рўй берди. Бу ундан аввалги йилга нисбатан 10 фоиз кўпдир. Тўғри, бундан келган зарар аввалги йилдагига нисбатан кам бўлса-да (5,5 фоиз) у жуда катта миқдорни, яъни икки миллион 394 минг сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг ярмидан кўпроғи саноат корхоналарида рўй берган ёнғинлардан келган зарарлар оқибатидир. Уларда ўтган йили ёнғинлар сони 3,3 фоизга кўпайди, уларнинг зарари эса 60,8 фоизга ошди.

Кейинги ярим йил ичида саноат корхоналарида ёнғиндан муҳофаза этиш ишларининг кучайтирилиши натижасида ёнғиндан келган йўқотишлар бирмунча камайди. Аммо ҳали қониқиш ҳосил қилишга эрта. Шу йилнинг 4 ойи ичида шаҳарда ҳаммаси бўлиб 712 та ёнғин рўй берди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,4 фоиз камдир. Саноат корхоналарида 57 ёнғин содир бўлди. Улардан келган моддий зарар 4,5 минг сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Саноат корхоналарида ёнғиннинг сабаби ишлаб чиқариш интизомининг пастлиги, ёнғин хавфи бўлган ишларни ўтказишда, масалан, газ пайвандлаш ва электр пайвандлаш технологияларининг бузилиши, ёритиш ва кучланиш электр ускуналарининг аҳволи устидан назоратнинг бўшлигидир.

Кўпгина саноат корхоналарида ёнғинга қарши тайёргарликнинг аҳволи қониқарсиздир. Уни яхшилаш бўйича давлат ёнғинни назорат қилиш органлари йўл-йўриқларини бажариш бўйича белгиланган муддатлар бузилмоқда. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатида ёнғинни назорат қилиш органлари томонидан таклиф этилган 128 та тадбирдан 57 таси бажарилмади. Бинобарин уларнинг кўплари алоҳида моддий харажатларни талаб этмайди. Масалан, комбинат цехларида ва унинг ҳовлисида ёнғинга қарши тартиб сезилмаётир. Фақат шу йилнинг бошидан буён бу ерда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун 39 мансабдор шахсга жарима солинди.

«Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмасида ёнғинни назорат қилиш органлари билан келишилган 42 тадбирдан 25 таси бажарилди, холос. Лакни сақлаш учун ерости омборхоналари қурилмаган, автоматик ёнғиндан хабар берувчи мосламалар созланмаган. Дурадгорлик майдонида ҳам шундай ҳолни кўриш мумкин.

Тошкент лак-бўёқ заводи ёнғин чиқиши мумкин бўлган ўта хавфли жой ҳисобланади. Бу ҳақда 1989 йилда тошкентликларга яхши маълум бўлган ёнғин катта зарар келтирди. Бу завод ходимлари, жамоа ўз корхонасини намунали сақлаш учун барча чораларни кўриши, ундан аччиқ сабоқ чиқариб олиши лозим бўлса-да, бироқ шу чоққача давлат ёнғин назорати органлари томонидан таклиф этилган 71 та тадбирдан 42 таси бажарилмади. Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги бирлашмасида ёнғинга қарши 23 та тадбирдан бор-йўғи 4 таси, Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасида эса 20 та тадбирдан 4 тасигина бажарилган, холос. Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Восход» ширкатида ёнғин назорати органи томонидан белгиланган тадбирларни бажаришга бамайлихотирлик қилмоқдалар. Бу ерда 35 та тадбирдан 8 таси адо этилгани шуни кўрсатиб турибди.

«Тошкент трактор заводи» бирлашмасида, «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикасида, тамаки фабрикасида, ёғ-мой комбинатида, кўн-мўйна заводида ва бошқа кўпгина корхоналарда ёнғинга қарши тайёргарликнинг аҳволи қониқарсиздир.

Ўтган йили ва шу йилнинг 4 ойи ичида ёнғинни назорат қилиш давлат органлари 1824 цех, ишлаб чиқариш участкалари ва корхоналарнинг фаолиятини тўхтатиб қўйди. Бироқ ижроия комитет мажлисида таъкидлаб ўтилдики, ёнғинни назорат қилиш органлари ҳали ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилишига йўл қўйган корхоналарнинг раҳбарларига етарлича талабчанлик кўрсатяптилар, деб бўлмайди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бу масала юзасидан қарор қабул қилди. Унда шу нарса таъкидландики, шаҳар корхоналарида ёнғинга қарши хавфсизликни таъминлашнинг аҳволи чидаб бўлмас даражададир. Унда аниқланган нуқсонларга барҳам беришнинг аниқ чоралари белгиланди, корхоналарнинг раҳбарларига эса ғоят қисқа муддат ичида бу муҳим ишда тегишли тартиб ўрнатиш таклиф этилди.

Хориждан хабарлар

⊙ ҚОҲИРА. Кейинги йилда Мисрда болалар ўлими икки марта камайди, деб хабар қилди МАР соғлиқни сақлаш министри Муҳаммад Рағиб Дувайдар. Агар 1989 йилда минг нафар чақалоқнинг 82 нафари ўлган бўлса, 1990 йилда бу кўрсаткич 44 нафарни ташкил этди.

Министрнинг сўзларига қараганда, болалар ўлимининг кескин камайишига мамлакатнинг ҳамма ерида болалар учун жуда хавфли олти касалликка қарши эмлаш кампанияси ўтказилганлиги туфайли эришилди. Ўтган йили бильгарциоз (шистосоматоз)га қарши умумий кампания ўтказилганлиги ҳам ижобий аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, Миср аҳолисининг чорак қисмига яқини, баъзи қишлоқ жойларида эса аҳолининг 90 фоизга қадари, асосан болалар шу касалликдан азоб чекадилар, бу касаллик уларга сув орқали юқади.

⊙ АММОН. Қуддусдан 120 километр жануб томонда автомобиль ҳалокати рўй берди. Натижада Исроилнинг уч аскари ўлди ва 17 нафари жароҳатланди. Исроил радиосининг хабар қилишича, аскарлар тушган автобуснинг олдинги ғилдираги чиқиб кетиб, у ағдарилиши натижасида ҳалокат рўй берган. Барча жароҳатланганлар касалхонага олиб келинган, уларнинг икки нафари жуда огир аҳволда.

Можаро текширила бошланди.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Покистон билан барча баҳсли муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдоридир, лекин у, ўз ички ишларига аралашувларга тоқат қила олмайди, деди жумҳурият бош министри В. П. Сингх «Лифенс Энд Форин Афферс» журнали мухбири билан суҳбатда. Бундай хатти-ҳаракатларга қатъиян ва кескин зарба берилади, деб таъкидлади у.

Покистон Ҳиндистоннинг Панжоб, шунингдек Жамму ва Кашмир штатларида террорчилик ҳуружларини қўллаб - қувватлаётганлиги Жанубий Осиёдаги аҳволнинг анча ёмонлашувига сабаб бўлди, деди Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи. Ҳиндистон тинчликка интилаётган бўлсада, у давлат террорчилик сиёсати билан муроса қилолмайди, ўз мустақиллигига хавф-хатарнинг кучайишига йўл қўймайди.

⊙ ВАШИНГТОН. Оқ уй расман шуни маълум қилди: АҚШ Президенти Жорж Буш Кашмирдаги аҳвол ёмонлашганлиги ва Ҳиндистон — Покистон можароси жуда хавфли тус олганлиги муносабати билан ўзининг махсус элчисини Ҳиндистон ва Покистонга юборишга қарор қилди. Президентнинг матбуот бўйича котиби Марлин Фицуотернинг маълум қилишича, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси ўринбосари Роберт Гейтс 9—21 май кунлари Ҳиндистон ва Покистонда бўлади ҳамда мазкур мамлакатларнинг раҳбарлари билан учрашади, шунингдек уларга АҚШ Президентининг шахсий мактубларини топширади. Гейтс ўша ернинг ўзида аҳвол билан танишиши, Ҳиндистон ва Покистон ҳукуматларининг уни ҳал этишга қандай ёндашаётганликларини аниқлаши керак.

Гейтс Ватанига қайтиб боргач, АҚШ Президентига сафар натижаларини маълум қилади, деди Фицуотер. Гейтс давлат секретари Бейкер ва СССР Ташқи ишлар министри Шеварднадзе ўртасидаги музокаралар тугаганидан сўнг Москвадан сафарга жўнаб кетади. У ана шу музокараларда қатнашмоқда.

(ТАСС).

Президент Фармонлари сатрларини ўқиб

ИНСОН ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК—

«Инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастурида, — унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий жиҳатдан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг асосий мақсади деб билади». Бунинг учун КПСС уй-жой дастурини амалга ошириш, тиббий хизматни такомиллаштириш, яшаш, табиий муҳитини сақлаб қолиш, таълим, маориф ва маданиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришнинг кенг кўламли тадбирларини ишлаб чиқмоқда ва уларни амалга оширишга киришмоқда.

Бу соҳада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети томонидан кейинги пайтда кўрилаётган чоралар ҳам диққатга моликдир. Маълумки, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда ҳозирги вақтда салкам 9 миллион киши ёки Ўзбекистон барча аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ойига ўртача 75 сўмдан даромад олаётганлиги, бу эса яшаш учун зарур бўлган энг кам миқдорга ҳам етмаслиги кўрсатилган. Ўзбекистон Компартияси аҳолининг кам таъминланган табақаларига ижтимоий ёрдам бериш дастурини амалга оширишни, уларнинг турмуш даражасини кўтаришни, бу даражани республикадаги ўртача кўрсаткичларга яқинлаштиришни ўз бурчи деб ҳисоблади. Корхоналар ва хўжаликларнинг ҳисобидан уй-жойлар қуриш, имтиёзли шартлар билан қарз бериш, арзон нархларда бинокорлик материаллари ва ёқилғи билан таъминлаш — белгиланган чора-тадбирлар жумласидандир. Шунингдек, уй-жойларда, коммунал хизматдан, мактабгача болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалардан фойдаланиш чоғида имтиёзларнинг кенг системасини амалга ошириш кўзда тутилган.

Аҳоли кам даромадли қисмининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлигини кучайтириш учун 1990 йилдаёқ республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда корхоналар ҳисобидан 142 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Республика партия, касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари, ўз маблағлари ҳисобидан бу олижаноб ишга ҳисса қўшмоқдалар. Республиканинг хўжалик мустақиллиги ва молиявий мавқеини мустаҳкамлангани сари бундай ёрдам муттасил ошиб бораверишн шубҳасиздир.

Ҳозирги вақтда республикада 3,3 миллион киши ижтимоий таъминот хизматидан фойдаланмоқда, бу мақсадга 1,6 миллиард сўм сарфланмоқда. Энг кам пенсия оладиган 1 миллиондан кўпроқ одамнинг пенсияси ойига 70 сўмга етказилди.

«Меҳр-мурувват» деб аталган республика комплекс дастури ишлаб чиқилмоқда. Пенсиялар ва нафақаларнинг энг кам миқдорини ошириш учун қўшимча 7 миллион сўм маблағ сарфланади, бу эса 55 минг кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради. 1995 йилга бориб ногиронлар ва қариялар учун интернат-уйлар сонини қарийб икки баравар кўпайтириш, ижтимоий ёрдам бўлинмалари тармоғини ҳам худди шунча кенгайтириш кўзда тутилади. Интернат уйларда озиқ-овқат ҳаражатларининг нормалари анча оширилади, келгуси йилдаёқ байналмилал жангчилар, ногиронлар ҳамда Афғонистонда ҳалок бўлганлар оилаларининг уй-жойларга ва томорқа участкаларига, санаторий-курортларга бориш йўлланмаларига, протез-ортопедия буюмлари ва махсус автотранспортга эҳтиёжлари қондирилади.

1990 йил бошидан умумий таълим мактабларининг 1 — 5 синфлари ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этиш, кам қонли касалига мубтало бўлган ҳомиладор аёлларга ёрдам беришга қўшимча 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Колхозларга давлат хариди ҳисобидан касалхоналар ва болалар боғчалари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратиб беришга рухсат этилди.

Доимий мактабгача тарбия муассасаларини жадал қуриш билан бирга 1990 йилда хонадонларда 100 минг ўринли болалар боғчалари барпо этиш кўзда тутилган.

1990 йилда 10,4 миллион квадрат метр уй-жой қуриш кўзда тутилмоқдаки, бу 1989 йилдагидан 2 миллион квадрат метр ёки 25 фоиз кўпдир. Бу эса уй-жойларни фойдаланишга топшириш кўламлари аҳолининг ўсишини зўрға қоплайдиган аҳволни ўзгартиришга имкон беради. Сўнгги йилларда биринчи марта меҳнаткашларнинг уй-жой билан таъминланишини реал яхшилашга эришилади: ҳар бир киши ҳисобига уй-жой майдони беш йиллик топшириғида кўзда тутилганига нисбатан 0,6 квадрат метр кўпайиб, 11,55 квадрат метрга етади.

Ўн учинчи беш йилликда уй-жой қурилиши тубдан тезлашади. 67—68 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жойни қуриб битказиш, 6 миллиондан ортиқ кишини уй-жой шароитини яхшилаш мўлжалланган, бу эса ҳозирги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўпдир. Бунда ҳар бир кишининг уй-жой билан таъминланиши 13 квадрат метрга етказилади. Уй-жой қурилишининг белгиланаётган ҳажмлари 1994 йилдаёқ квартира олиш учун 1989 йилнинг бошларигача навбатда турганларни квартира билан таъминлашга имкон беради.

Меҳнаткашларнинг кўпайиб бораётган пул даромадларини хилма-хил халқ истеъмоли моллари ва пулли хизмат билан ишончли равишда таъминлаш — яқин йиллардаги асосий вазифалардан биридир. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига йилига ўрта ҳисобда 517 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилаётган, 95 сўмлик пулли хизмат кўрсатилаётган, 802 сўмлик моллар сотилаётган экан, кейинги беш йиллик охирида эса ана шу кўрсаткичларни тегишли равишда 650.140 ва 950 сўмгача етказиш вазифаси қўйилмоқда. Шундай қилиб, ўсиш 1,2 дан 1,5 бараварга етказилади. Болалар учун кийим-кечаклар, пойабзал ва бошқа моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. «А» группаси корхоналарида истеъмол моллари ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди. Аҳолига сотиш учун тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чанг ютгичлар, холодильниклар ва ноозиқ-овқат моллари ресурслари анча кўпаяди.

Республика иқтисодиётини аҳоли турмушини таъминлаш масалаларини ҳал қилишга кескин буриб юбориш келгуси йилданоқ ресурсларни анча мустаҳкамлашни талаб қилади. Шу мақсадда 1990 йилда ижтимоий соҳа базаларини ривожлантиришга 3,9 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу эса беш йиллик планда 1990 йил учун кўзда тутилганидан 1,3 миллиард сўм ёки 53 фоиз кўпдир.

Ўзбекиситон Компартияси Марказий Комитетининг Ҳаракат дастурида олға сурилган бу ва бошқа режалар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг Фармонларида янада ривожлантирилмоқда, янги-янги мазмун билан бойитилмоқда. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг республика матбуотида эълон қилинган биринчи Фармони «Кўп болали оилаларга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида»ги Фармон бўлди. Унга кўра Ўзбекистон ССРда кўп болали оналарга ҳар ойда тўланадиган нафақа миқдори 1990 йил 1 июлдан бошлаб икки баравар кўпайтириладиган бўлди.

Ҳаммаси бўлиб ҳозир республикада 658 минг кўп болали она бундай нафақаларни олмоқда. Ана шу мақсадларга ҳар ойда тўланаётган нафақалар миқдори йилига 60 миллион сўмни ташкил этарди. Эндиликда эса бу мақсадларга сарфланадиган маблағ 120 миллион сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон ССР Президенти совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 45 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан Улуғ Ватан уруши ногиронларига, қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида Фармон қабул қилди. Бу Фармонга биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотларга 1990 йилда Улуғ Ватан уруши ногиронларини ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини уй-жой билан таъминлаш, 1991 йилда эса Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини ҳамда уларга тенглаштирилган 1990 йил 1 январгача ҳисобга олинган кишиларни уй-жой билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

1990 йил 1 июлидан бошлаб Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари квартира ҳақи тўлашдан озод қилинадиган бўлди. Улуғ Ватан уруши ногиронлари учун кўзда тутилган имтиёзлар барча уруш қатнашчилари ва байналмилалчи жангчиларнинг коммунал хизмат (сув, газ, электр ва иссиқлик энергия таъминоти) ҳақини тўлашга, марказий иситиш системасига уланмаган уйларда яшовчилар учун аҳолига сотиш учун белгилаб қўйилган норма доирасида харид қилинадиган ёқилғи ҳақига ҳам жорий этилди.

Президент Фармони билан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳозирги вақтда яшаётган давлат ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб топшириладиган бўлди. 1990 йил давомида Улуғ Ватан уруши ногиронларининг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларининг, 1991 йилда эса барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларнинг уй-жой-маиший шароитини халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг, корхоналар, ташкилотлар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан уй-жой қуриш ва ремонт қилиш

Санъатнинг сеҳрли олами

ДУНЁ МИҚЁСИГА ЧИҚҚАН МУСАВВИР



⊙ Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган кўргазмага Жавлон Умарбековнинг юзта асари қўйилган.

У ТАСВИРИЙ санъат оламига гўёки шамолдек кириб келди. Ўн тўққиз ёшида «Ҳосил» деб аталган асари учун ўзининг дастлабки мукофотини олди. Беньков номли билим юртининг талабаси ўшанда ёшлар кўргазмасига янги асарини олиб келган ва бу асар шу заҳотиёқ санъатшуносларнинг эътиборини тортган эди. Йигирма тўрт ёшида у «Қўшиқ» деб номланган расмини чизди. Уни кейинчалик Ўзбекистон давлат санъат музейи сотиб олди. Ижодкор кейинги йиллар ичида қаттиқ меҳнат қилиб кўп асарлар яратди, қатор-қатор мукофотларга сазовор бўлди, унвонлар олди.

Талабалик давридаги кўргазмаси билан ҳозирги шахсий кўргазмасини чорак аср ажратиб туради. Бугунги кунда қирқ тўрт ёшли мўйқалам устаси, Ўзбекистон халқ рассоми, хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлган Жавлон Умарбеков катта ижодий йўлни босиб ўтди. У шу давр ичида йирик мусаввирлар Ў. Тансиқбоев ва А. Волков тажрибасини ўзлаштирди, миллий меъморчилик, миниатюра, нақш санъати билан ошно бўлди, катта-катта, фалсафий асарлар яратди. Кўргазмада рассомнинг шаклланиш босқичлари акс этган. Унга санъаткорнинг турли йилларда яратган юзта ранг-тасвир ва график асарлари қўйилган. Ушбу асарларнинг бир қисми Москвада, марказий рассомлар уйида катта муваффақият билан намойиш қилинган эди.

Умарбеков асарларида нималарни акс эттиради? Ўзбекистон тўғрисидаги асарларида ота-боболаримизнинг яшаб ўтган диёри тўғрисидаги қаҳрамонона воқеалар, ранг-тасвир полотноларида Қирғизистоннинг юксак тоғ чўққилари, Грузия йўлларига шеърий қасида яратилади... Инсоннинг руҳий оламига бағишланган картиналарида у ўзига назар ташлайди, гўёки мен кимман, қаерданман, мен излаб ҳаётга келган ҳақиқат қаерда деяётгандек туюлади...

— Дастгоҳ олдига ўтиришдан аввал, бўлажак асаримни юрак-юракдан ҳис қилишга ҳаракат қиламан, — дейди Жавлон. — Ўз қаҳрамонларим билан бирга яшайман, дунёга уларнинг кўзи билан қарайман. Тушларимда кўрган ёки болалигимда эшитган ҳикоялар асосида асар яратган вақтларим ҳам бўлди. Болалигимдаёқ келиб чиқишим ҳақида билиб олдим. Бизнинг авлодимиз гўёки Умар карвон бошидан бошланган экан. У ўз хўжайинига яхши хизмат қилганлиги учун, заҳматкаш болага бўталоқ совға қилибди ва шундай дебди: «Уни ўстирасан, кўпайтирасан ва шундай қилиб ўз карвонингга эга бўласан». Унинг айтганлари бўлибди. Тўғри, бу ҳақиқатми ёки афсона эканлигини айтолмайман. Лекин воқеа менга ёқиб қолди ва мен «Умар карвон — карбонбоши» асарини яратдим. Бу асар «ривоят» туркумига кирди.

Санъаткор суҳбатни давом эттирар экан, табиатдан куч ва илҳом олишини эътироф қилди. Табиат — ҳаёт, ҳаёт эса — ҳам тарих, ҳам истиқбол, ҳам муҳаббат, ҳам дўстлар, ҳам космос, ҳам ўзинг туғилиб ўсган шаҳарнинг сокин кўчаси, болалар...

— Оиламизда умуман санъат билан алоқадор одамлар бўлмаган, деб ҳикоя қилади Жавлон. — Отам этикдўзлик қиларди, онам эса болаларни тарбияларди, бобом боғда қоровуллик қилган. Улар мени жуда ёшлигимданоқ ҳаёт қандай бўлса шундай севишга, ҳатто булутли кунларда ҳам қувона олишга, инсон ва табиат яратган теварак атрофнинг гўзаллигини ҳис этишга ўргатишган. Эҳтимол, гўзалликка интилган ошифта кўнгилнинг торлари ўшанда чертилгандир...

Санъаткор ҳаётда яхши одамлар билан учрашганидан ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Кинематография институтига кирганида ва Ю. Пименов бошчилигида маҳорат мактабини ўтаганда омади келганди. Чингиз Аҳмаров билан учрашиб, унинг маслаҳатига кўра «Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ёшлиги» асарини яратганида кўнгли қувончга тўлганди. Чингиз Айтматов билан танишиб, унинг ижодини бир умрга севиб қолди. Турли мамлакатларда бўлиш ва у ерларда ҳам дўстлар ортиришдек бахтни айтмайсизми...

Жазоир, ГФР, Япония, Финляндия, Ғарбий Берлин, Қувайт... бўйлаб сафарларидан сўнг, чизилган асарларни бирма-бир кўздан кечирамиз. Уларда кўп рассомлар денгизорти давлатларига саёҳатларидан сўнг рўй берадиган енгилелпи, шунчаки чиздингми чиздим қабилидаги кайфиятни сезмайсиз. Жавлон ўз асарларида бизни ўраб турган дунё қанчалар ажиб, унда қанчадан-қанча сирли ва кутилмаган гўзалликлар борлигини акс эттиради.

Ҳар гал она ватан тупроғидан ташқарига чиққанимда бошқа маданият билан ошно бўламан, у мени янада бойитади, — дейди рассом — бундай сафарлар кўз ўнгимда янги олам яратади, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимни тўлдиради.

«Умарбеков ижодининг дастлабки палласиданоқ дадил ишлай бошлади, европа ва рус тасвирий санъатининг ҳозирги даврдаги энг янги топилмаларини анъанавий оҳанглар билан шоирона, жонли ва нафис уйғунлаштирадиган ўз услубини қарор топтирди, деб ёзади кўргазма дастакламасида санъатшунослик номзоди А. Каменский. Хўш, у миллий рассомлар қаторига кирадими? Албатта. Фақат яқин-яқингача бирмунча чекланган ва маҳаллий тусда бўлган бу сифат эндиликда ўзгача маъно касб этмоқда. Ҳозирги пайтда ўз маданияти орқали умумий, дунёвий миқёсларга чиқа олган санъаткоргина ҳақиқий миллий санъаткор саналади. Жавлон Умарбеков худди шундайлардан», — деб якунлайди ўз мақоласини ЎзТАГ мухбири Э. Тухватуллина.

Советлар мамлакатида

⊙ ДУШАНБЕ. «Тожикистон коммунисти» жаридаси қайта қуришнинг сиёсий луғатини нашр қила бошлади. В. И. Ленин номли Тожикистон давлат дорилфунуни илмий коммунизм кафедрасининг олимлари ушбу луғат муаллифларидир. «Мухторият», «Федерация», «Бирлашган давлат» сўзларининг ва бошқа сўзларнинг маъноси мамлакатдаги ҳозирги аҳволни ҳисобга олган ҳолда тушунтирилади. Хорижий давлатларнинг миллий муносабатлар соҳасидаги тажрибаси жуда кенг умумлаштирилган. Олимлар эски тушунчаларни янгитдан қайта мушоҳада қилибгина қолмай, қайта қуриш туфайли пайдо бўлган тушунчаларни ҳам келтирадилар. Жарида муҳарририяти (у тожик ва рус тилларида чиқади) ўзининг бу нашрини тарғиботчиларга атаган.

⊙ АШХОБОД. Туркманистон пойтахтида эстетик тарбия саноат безаги маркази очилди. Марказ болаларнинг дидини тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини очиш сингари вазифаларни бажаради, У Туркманистон дизайнерлар уюшмасининг ташаббуси билан тузилди. Марказга хоҳлаган болаларнинг барчаси таклиф этилади, улар саралаш мусобақаларисиз қабул қилинади. Болаларга меъморлар, рассомлар, мутахассислар тарбия берадилар. Москва ва Ленинград институтлари билан марказга маслаҳатлар ва методик ёрдам бериш тўғрисида келишиб олинган. Ашхобод шаҳар Совети ижроия комитети марказга бино ажратиб берди, маҳаллий меъморлар эса бинони таъмирлаш лойиҳасини бепул бажардилар.

⊙ СЕМИПАЛАТИНСК. Шульбино сув омборининг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси янада бойиди. Петропавловскдаги иқлимга мослаштириш станциясидан бу ерга ўзининг таъми жиҳатидан нельма ва оқбалиқдан қолишмайдиган рипус балиғининг ўн бир миллион дона боласи самолётларда олиб келинди. Тирик юк кислород тўлдирилган полиэтилен қопларда сув ҳавзасининг марказий қисмига олиб келинди. Бу ерда сув ости ёввойи ҳайвонлари деярли йўқ ва балиқлар ўсиши учун қулай шароитлар бор. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, икки-уч йилдан кейин бу қимматбаҳо балиқларни овлаш мумкин бўлади. Кейинги вақтда лаққа балиқ ва мизида қўлбола қўлга келтирилди.

(ТАСС мухбирлари хабарларидан).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЛЕНИН РАЙОНИ АҲОЛИСИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА

холодильник, кир ювиш машиналари, чанг ютгич ва тикув машиналарини тузатувчи

ЯНА БИР УСТАХОНА ОЧИЛДИ

Унинг манзилгоҳи — Тошкент шаҳри, Чиковани кўчаси, Маиший хизмат уйи. Телефон 92-44-81.



«РЕМБИТТЕХНИКА» ТОШКЕНТ БОШ КОРХОНАСИ.

МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ

Экспериментал ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли

50-ҳунар-техника билим юрти

Давлат миқёсида бирлаштирилган узлуксиз техникавий маълумот бериш мақсадида

Тошкент шаҳар мактабларининг 8—9 синфини ва 10—11 синфларини битирган йигит-қизларни —

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 2 босқичдан иборат бўлиб, 7 йил давом этади.

Ўқишнинг 1-босқичи 50-ҳунар-техника билим юртида, янги экспериментал ўқув программасидан иборат бўлган сифатли касб эгаллаш ва Тошкент машинасозлик институтига киришни таъминлаш мақсадида олиб борилади. Ўқиш муддати — 2 йил, 11—10 синфни битирганлар учун 1 йил.

Ўқишга қабул қилиш танлаб олиш мақсадида бўлиб ўқишга кирувчилар «физика» ва «математика» фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Ўқиш давомида асосий фанлардан институтнинг етакчи ўқитувчилари дарс берадилар.

Билим юртини битириш имтиҳонлари Тошкент машинасозлиги институтига кириш имтиҳонлари қаторида ҳисобланади.

Ихтисослар бўйича ўқиш босқичлари қуйидагича:

I-БОСҚИЧ

БИЛИМ ЮРТИДА

Электон аппаратларни йиғувчи радиомонтажчилар; электрон аппаратларни йиғувчи слесарлар; кенг ихтисосли дастгоҳчилар-токарь — фрезерчилар; электрон ва газ пайвандчилари.

II-БОСҚИЧ

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИДА

Электрон аппаратларни йиғувчи радиомонтажчилар; наларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёни; электрон ва ҳисоблаш радиоэлектрон аппаратлари ва асбоб-ускуналарни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш жараёни, машинасозлик жараёнлари, металлни кесувчи дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар; пайвандлаш дастгоҳлари ва пайвандлаш орқали ишлаб чиқариш жараёнлари.

Билим юртидаги ўқиш муддати узлуксиз меҳнат фаолиятига киради.

Ўқишнинг 1-босқичида ўқувчилар Давлат қарамоғида бўлиб, бепул кийим-кечак, стипендия ва 2 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади.

Экспериментал группаларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза; маълумоти тўғрисида ҳужжат, туғилганлик тўғрисида гувоҳномаси ёки паспорт, 086/У форма бўйича медицина тасдиқномаси, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қабул комиссияси соат 9.00 дан соат 17.00 гача ишлайди.

Бизнинг маконимиз: Тошкент шаҳри, Калинин район маркази, У. Юсупов кўчаси, 1-уй. (153, 558, 1, 69, 102, 94э-автобусларнинг «50-билим юрти»; 11, 23-троллейбусларнинг «Алгоритм» заводи» бекатлари). Телефон — 75-59-01.

ЎЗБЕК РИСОЛАЛАРИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Янгиликлар
Воқеалар
Хушхабарлар

ЯҚИНДА ўзбек олимларининг илмий рисолаларининг бир туркуми хорижий китобхонлар қўлига етиб борди. Улар орасида жуғрофия фанлари номзоди Камол Қурбоновнинг «Қишлоқ хўжалигини ҳудудлар бўйича ташкил этиш» номли рисоласи Англия, Германия Федератив Республикаси, Италия, Франция, Канада, Америка Қўшма Штатлари, Япония каби мамлакатларга юборилди.

Д. ЗОКИРОВА.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БИЛИМ ЮРТИ

⊙ **Бу билим юртида техника ижодкорлигига катта аҳамият бериб келинмоқда.** Чиндан ҳам Тошкентдаги 33-ҳунар-техника билим юртида ёшларнинг касбий тайёргарлиги билан бирга илмий-техника ижодиётини ўстиришда қатор ижобий ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бундай изланишларни йўлга қўйиш учун хўжалик ҳисоби тартиби жорий этилди. Шу мақсадда махсус техника -ишлаб чиқариш лабораторияси очилди. Бу ерда конструкторлик изланишлар ҳам олиб борилмоқда.

Ўтган йили Калуга шаҳрида ўтган «Кичик Интеркосмос» танловида билим юртининг бир қатор ёш истеъдодлари муваффақият қозондилар. Ёш ижодкорлардан А. Исломбеков билан Б. Умаровлар тайёрлаган ишланма бу кўрикда юқори баҳо олди. Унда космик металлургия заводи қандай бўлиши лозимлиги макетда ёшлик тафаккури билан лойиҳалаштирилган эди.

Билим юртининг хўжалик ҳисобига ўтган техник ишлаб чиқариш лабораториясида бугунги кунда ҳам жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Умидли ёшлар кичик цемент заводи макетини тайёрлашни ниҳоясига етказмоқдалар. Шунингдек, турли кўринишдаги самолётлар моделлари, асбоб-ускуналар мосламалари ва қурилмалари намуналари устида ҳам қизғин иш бошлаб юборилди.

Эндиликда лаборатория «Ташсельмаш» заводи, «Стройпроект» илмий-текшириш институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти билан ҳамкорлик ўрнатишни кўзда тутмоқда.

А. АЛИЕВ.

СИЗНИНГ ПОХОЛ СУМКАНГИЗГА

ЎТАКЕТГАН МОДА ИШҚИБОЗЛАРИНИНГ ҲАМ ҲАВАСИ КЕЛАДИ!

Ёзда ана шундай похол сумка ниҳоятда зарурдир. Сиз уни исталган либосингиз билан ҳам олиб юраверасиз, чунки бу сумка Сизнинг умумий кўринишингизга ёзнинг ёрқин руҳи ва нафислигини бахшида этади.

Чиройлилиги ва нафис ишланганлиги жиҳатидан уни Вьетнам ва Корея халқ усталарининг ҳақиқий санъат асари ўрнида баҳолаш мумкин.

«Олмос» жумҳурият улгуржи-чакана савдо бирлашмаси магазинларида Сиз баҳоси 4 сўмдан 12 сўмгача бўлган тўғри бурчакли, конуссимон шаклдаги ёзги похол сумкаларни танлаб ола оласиз.



«ОЛМОС» ЖУМҲУРИЯТ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ МАРКАЗИДА

йўли билан яхшилаш таъминланади.

1990 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлиги системасидаги уруш ветеранлари учун санаторийлар, пансионатлар, стационарларда овқатланишга, дори-дармонларга ва юмшоқ жиҳозларга харажатлар нормасини Улуғ Ватан уруши ногиронлари госпиталлари учун кўзда тутилган нормаларга тенглаштирилади. Шу билан биргаликда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга шахсий фойдаланиш учун сотишга бозор фондидан 1750 та енгил автомашина ажратишлари, Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот министрлигига эса биринчи гуруҳ ногиронларига коляскалар сотиб олиш учун 100 минг сўм миқдорида чет эл валютаси ажратиш юкланди. 1990 — 1991 йилларда 1990 йил 1 январигача ҳисобга олинган барча Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг байналмилалчи жангчиларнинг ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг квартиралари телефонлаштирилишини таъминлашлари ҳам кўрсатилган.

Меҳнат жамоаларининг ўзлари ҳам пенсия ва нафақалар миқдорларини ошириш имкониятларини ишга солмоқдалар. Маълумки, давлат корхонаси тўғрисидаги қонунга мувофиқ, хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаётган меҳнат коллективлари эндиликда ўзларининг муҳтож аъзоларига ёрдам бериш учун, оналарга, ветеран пенсионерларга ва бошқаларга қўшимча ҳақ белгилаш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар. Ҳозирги пайтда 800 дан кўпроқ колхоз, 50 та совхоз ва 85 та саноат корхонаси ўз маблағлари ҳисобидан оналарга, ветеран-пенсионерларга қўшимча ҳақ белгилаб қўйган. Масалан, «Совпластитал» бирлашмасида ўтган йилнинг ўзидаёқ 5 йилдан 10 йилгача ишлаган одамларга пенсияга чиқиш пайтида ойига 30 сўм, 10 йилдан 15 йилгача ишлаганларга 50 сўм, 15 йилдан 20 йилгача ишлаганларга 75 сўм қўшимча ҳақ тўлашга қарор қилинган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг республика аҳолиси шахсий хўжалигидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ҳамда уларга чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш тўғрисидаги Фармони ҳам ҳамма жойда катта мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу Фармон билан 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш планини бажаришда улар аҳолига сотадиган ҳашак ва ширали ем-хашак ҳисобга олинадиган бўлди.

Ўзбекистон ССР Давлат кооператив-қишлоқ хўжалиги комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига колхозлар ва совхозлар аҳолининг шахсий хўжаликларига 1990 йилда ҳар бир шартли бош мол ҳисобига 250 килограмм хашак ва 150 килограмм ширали ем-хашак, 1991 йилда 550 килограмм хашак ва 300 килограмм ширали ем-хашак сотишни таъминлаш, ҳар йилги планларда аҳолига ем-хашак сотиш ана шу нормаларига нисбатан кўпайтириши кўзда тутилиши зарурлиги-юзасидан топшириқ берилди.

Президент Фармонига мувофиқ 1990 йилда аҳолининг шахсий хўжаликларига сотиш учун давлат ресурсларидан ҳар бир шартли молга ўрта ҳисобда (ҳар бир сигирга) камида 150 килограмм омухта ем, 30 килограмм шулха, 50 килограмм кунжара ва шрот, 1991 йилда 160 килограмм омухта ем, 60 килограмм шулха ҳамда 50 килограмм кунжара ва шрот ажратиш, келгуси йилларда ана шу нормаларни кескин ошириш имкониятини қидириб топиш зарур.

Ушбу Фармоннинг ижроси колхоз ва совхозларда чорвачиликни ривожлантириш билан биргаликда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш камайиб кетганлигини бартараф этишнигина эмас, шу билан бирга гўшт истеъмол қилишни муайян даражада кўпайтиришга имкон беради. Агар 1985 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 31 килограммни ташкил этган, шундан кейинги йилларда янада камайиб, 29—30 килограммга тушиб қолган бўлса, 1990 йилда гўшт истеъмол қилиш даражасини 33,0 килограммга етказиш кўзда тутилмоқда. Жон бошига сут истеъмол қилиш 1990 йилда 27 килограмм кўпайиб, 205 килограммни ташкил этади. Аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшиланди.

1995 йилда жон бошига гўшт истеъмол қилишни 43—45 килограммга, сут истеъмол қилишни 235-250 килограммга етказиш кўзда тутилган.

Пахта яккаҳокимлигининг тугатилаётганлиги республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларига эҳтиёжларни 1990 йилда, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларни беш йил мобайнида тўла қондириш кўзда тутилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси икки баравар кенгайтирилади, натижада маҳсулотлар анча кам нобуд бўлади.

Мудофаа корхоналари ва бошқа тармоқлар аҳоли эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказилаётганлиги муносабати билан шу корхоналар ва бошқа тармоқлар мазкур муаммони ҳал этишга жалб қилинади. Улар ўн учинчи беш йилликда бевосита колхозлар ва совхозларда ишлайдиган консерва заводлари учун 120 комплект машина ускуналарни тайёрлаб берадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг аҳолига уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш ва томорқаларни кенгайтириш тўғрисидаги қарори ҳам инсон ҳақида ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Ҳозирнинг ўзида республикада 381 минг оилага 150 минг гектар ер майдонлари ажратиб берилди.

Ана шу чора тадбирлар қишлоқда якка тартибдаги уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга кўмаклашмоқда. 1990 йилда қишлоқ жойларда 5,3 миллион квадрат метр уй-жойларни қуриш назарда тутилади. Бу 1989 йилдагидан 800 минг квадрат метр ёки қарийб 20 фоиз кўпдир. Бўлажак беш йилликда қишлоқ жойларида барча манбалар ҳисобидан салкам 35 миллион квадрат метр уй-жой қурилади. Водопровод ва канализация тармоқларини, газ қувурларини жадал ривожлантириш, барча хўжаликларда қишлоқ врачлик амбулатория ёки фельдшерлик-акушерлик пунктларини ташкил этиш, савдо ва маиший хизмат корхоналари сонини кескин кўпайтириш режалаштирилган. Аҳолини, биринчи навбатда Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области, шунингдек, Андижон, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа областлар аҳолисини сифатли сув билан таъминлашга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун қўшимча маблағ ажратилади, республика корхоналарида ускуналар ишлаб чиқариш ташкил этилади.

«Меҳнат қилиш, пенсия билан таъминланиш, бепул илм олиш ва соғлиқни сақлаш, Советлар диёрида биринчи бор юзага чиққан бошқа ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи ҳар қандай маърифатли жамиятнинг мулки бўлиб қолди», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида. Партия, шу жумладан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳуриятимиз Президенти ана шундай ижтимоий неъматлар кўпайиши учун ўз ижтимоий сиёсатининг марказига инсонни қўймоқда, уни ғамхўрлик билан чулғаб олишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Э. ШАЙХОВ,
профессор, Ўзбекистон ССР халқ депутати.

⊙ Муаллиф ушбу мақоласи учун тўланадиган қалам ҳақини Совет болалар фондига ўтказишни илтимос қилади.

Дастлабки ўйинда Венгрия терма командаси билан учрашдик. Командамиз етук ва ҳужумкор ўйин кўрсатди. Яковенко, Алейников, Беланов, Яремчук, Родионов, Дайка (ўз дарвозасига) тўпларидан сўнг кутилмаганда 6:0 ҳисобида ғолиб келдик. Евтушенко, ҳатто битта 11 метрлик жарима тўпини кирита олмади. Кейин Франция терма командаси билан куч синашдик, Рац ва Фернандесларнинг зарбаларидан сўнг 1:1 ҳисоби қайд этилди. Гуруҳдаги охирги ўйинда Блохин ва Заваровларнинг тўпларидан сўнг канадаликларни 2:0 ҳисобида енгдик.

Нимчорак финал ўйинида биз Бельгия футболчилари билан беллашдик. Келажакда хатоларни тақрорламаслик учун бу ўйин ҳақида батафсил тўхталишга тўғри келади. Чунончи, ушбу ўйинда футболимизга хос «эски касал» яна ўзини кўрсатди. 30-дақиқагача футболчиларимиз ҳужумкор руҳда ўйнадилар. Заваров, Рац, Яковенко, Алейниковлар қулай вазиятларни бой бердилар. 27-дақиқада Белановнинг жуда ҳо беришди. Шу ерда яна бир ҳақиқат аён бўлди; омад бир баҳя кулиб боқмаслиги ҳам мумкин, лекин кўрсатилган ажойиб ўйин ва ўз ишига ҳалол муносабат албатта изсиз қолмайди. Терма командамиз ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Ҳужумчимиз И. Беланов асосан шу биринчиликдаги ажойиб ўйини учун 1986 йили Европанинг энг кучли ўйинчиси ҳисобланиб, «Олтин тўп» совринини олди.

Энди жаҳон биринчилигининг асосий учрашувларига тўхталсак. Биринчи босқич ўйинларидан сўнг Бразилия, Франция, ГФР, Мексика, Аргентина, Англия, Испания ва Бельгия командалари чорак финалга йўлланма олдилар. Чорак финалдаги Франция —Бразилия беллашуви шубҳасиз биринчиликнинг энг чиройли ўйини бўлди. Карека ва Платини зарбаларидан сўнг ҳисоб 1:1 эди. Зико 11 метрлик жарима тўпини ҳам кирита олмади. Қўшимча вақтдан сўнг ғолибни аниқлаш учун 11 метрлик жарима тўплари тепила бошланди. Француз Беллоннинг зарбасидан сўнг тўп аввал дарвоза тўсинига, Браун тўпни бошн билан уриб дарвоза тўрига туширади—1:0. Иккинчи бўлим ҳам аргентиналиклар ҳужуми билан бошланди. 56-дақиқада Валдано ҳисобни 2:0 га етказди. 74-дақиқа. Руммениге бурчак тўпидан фойдаланиб ҳисобни қисқартирди, 2:1. Бундан руҳланган ГФР футболчиларининг кучига куч қўшилиб, кетма-кет ҳужум уюштира бошладилар. 82-дақиқада Фёллер ҳисобни тенглаштирди. Вазиятнинг бу тарзда ўзгаришини кутмаган Аргентина футболчилари ўзларини йўқотиб қўйдилар. Лекин фақат Марадона хотиржам эди. 85-дақиқада у узоқ масофадан ҳужумчи Бурручагага « тўпни аниқ етказиб берди. Натижада Бурручага дарвозабон Шумахер билан яккама-якка қолди ва совуққонлик билан тўпни дарвоза тўрига туширди. Ўйиннинг охирги 5 дақиқаси жуда кескин ўтган бўлсада, ҳисоб ўзгармади— 3:2. Шундай қилиб аргентиналик футболчилар иккинчи марта жаҳон кубогининг соҳиби бўлдилар. Финал ўйинида ғалабани қуйидаги ўйинчилар таъминлади: Пумпидо, Ружжери, Браун, Куусиуффо, Олартикоеча, Батиста, Хиусти, Бурручага (Троббиани), Энрике, Марадона (капитан), Вальдано.

6 тўп киритган англиялик ҳужумчи Линекер энг сермаҳсул ҳужумчи совринининг соҳиби бўлди.

КИМ ҒОЛИБ БЎЛАРКИН!

НИҲОЯТ, охирги XIV жаҳон биринчилигининг саралаш ўйинларида жаҳоннинг 110 терма командаси куч синашди. Мамлакатимиз футболчилари бу турнирда Австрия, Туркия, ГДР ва Исландия командалари билан бир гуруҳда қатнашиб ғолибликни қўлга киритдилар. Барча саралаш ўйинлари ўтказилганидан сўнг 1989 йил, 9 декабрда Римда қуръа ташланди. Финалга чиққан 24 команда 4 нафардан 6 гуруҳга бўлинди. Гуруҳлар таркиби қуйидагича: биринчи — Италия, Австрия, АҚШ, Чехословакия; иккинчи — СССР, Аргентина, Руминия, Камерун; учинчи — Бразилия, Коста-Рика, Шотландия, Швеция; тўртинчи — ГФР, Югославия, Бирлашган Араб Амирликлари, Колумбия; бешинчи — Бельгия, Жанубий Корея, Уругвай, Испания; олтинчи — Англия, Миср, Голландия ва Ирландия. Биринчиликни ўтказиш тартиби худди аввалгиси каби бўлади. Гуруҳлардаги ўйинлар 8 июндан 21 июнгача ўтади. Нимчорак финал ўйинлари 23 дан 26 июнгача, чорак финал 30 июнь — 1 июль ва ярим финал ўйинлари 3 ва 4 июлда ўтказилади. Учинчи ўрин учун кураш 7 июлда Бари шаҳрида бўлади. Финал ўйини эса 8 июлда Римдаги «Олимпико» стадионида ўтказилади. Мутахассисларнинг фикрича, иккинчи, бешинчи ва олтинчи гуруҳлар энг кучли ҳисобланади. Айниқса Ватанимиз футболчиларига осон бўлмайди. Негаки биз икки карра жаҳон чемпионлари Аргентина, жуда кучли ва жамоамиз учун доимо ноқулай бўлиб келган Руминия ва Африканинг энг кучли командаларидан бири — «бразилия», «европача» ўйин услубларини ўзида бирлаштирган, жуда маҳоратли дарвозабон — Н'Конога эга Камерун командалари билан беллашамиз. Албатта, бу ўйинлар терма командамиздан юксак жисмоний тайёргарлик ва тактик маҳорат талаб этади. Лекин «Майдон— текис, тўп — юмалоқ», дейдилар. Яшил майдонда ҳамма тенг. Қолаверса, бир қанча футболчиларимиз Европанинг кучли профессионал клубларида ўйнаб маҳоратларини оширмоқдалар.

Мутахассислар фикрларига ҳам бир оз тўхталсак. Биринчиликда италиялик Виалли, Бажо, Барези, голландиялик Ван Бастен, Гуллит, Райкаард, аргентиналик Марадона, бразилиялик Карека, Ромарио, Бебето, англиялик Линекер, ГФР футболчиси Клинсманн, совет футболчилари Литовченко ва Протасовларнинг кучли ўйин кўрсатиб ёркин юлдуз сифатида чақнашлари кутилмоқда. Асосан ғолибликка даъвогар деб Аргентина, Италия, Бразилия, Голландия, ГФР, ва Англия терма командалари айтилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг спорт шарҳловчиси.



кучли зарбасини дарвозабон фақат нигоҳи билангина кузатишга улгурди —1:0. Шундан сўнг ўйинимиз ўзгарди. Кўпроқ ҳимояга эътибор бера бошладик. Рақибларимиз танаффусгача учта жуда хавфли ҳужум уюштирдилар. 57-дақиқада Шифо дарвозамизни забт этди. Кўпчилик бу тўп ўйиндан ташқари ҳолатдан киритилди деб ҳисоблади, аммо беллашув тақдири ҳакамлар қўлида: 1:1. 70-дақиқада яна Беланов тўп киритди. Ўйин тугашига 20 дақиқа қолди, биз олдинламиз — 2:1. 77-дақиқада Дасаев дарвозаси олдида Кулеманс бир ўзи намоён бўлди. Унга тўпни оширдилар ва ҳеч қийинчиликсиз тўпни тўрга туширади — 2:2. Бу гал Кулеманс юз фоиз ўйиндан ташқари ҳолатда эди. Ҳакам марказни кўрсатди. Ҳаммага маълумки, ҳакамлар билан баҳслашиш бефойда. Яна 1970 йилда Уругвай билан ўйиндаги каби хато такрорланди. Асосий вақт 2:2 ҳисобида якунланди. Қўшимча вақтда эса жисмоний тайёргарлиги кучлироқ бўлган бельгияликлар икки тўп киритдилар. 110-дақиқада Беланов 11 метрлик жарима тўпини уриб, ҳисобни 3:4 етказди. Футболчиларимизнинг бундан ортиғига кучи етмади. Ўйиндан сўнг Беланов алламдан кўз ёшларини тўхтатиб қололмади. Аммо начора, тақдирга тан бермоқ керак. Бу жаҳон биринчиликлари тарихида бир ўйинчини уч тўп киритган команданинг иккинчи маротаба мағлубиятга учраши эди. Шундай қилиб футболчиларимиз бу биринчиликни ҳатто чорак финалга ҳам чиқа олмай якунлашди. Лекин футбол ишқибозлари ва мутахассислар команданинг ўйинига юқори баҳо сўнг дарвозабоннинг курагига тегиб тўрга тушди. ФИФА қоидаларига ҳатто бундай ҳолнинг юз бериши кўзда тутилмаган экан. Ҳар ҳолда руминиялик ҳакам Игна тўпни киритилган деб ҳисоблади ва бу французларга ғалаба келтирди. Аргентина — Англия ўйини эса 2:1 ҳисобида тугади. 51-дақиқада англияликлар дарвозаси томон ўнг қанотдан тўп оширилди ва Марадона юқори сакраб тўпни қўли билан тўрга туширди. Бироқ ҳакам буни кўрмади ва голни ҳисоблади. Орадан 4 дақиқа ўтгандан сўнг Марадона яна бир тўп киритдики, бу аввалгисининг ҳам «гуноҳини ювди десак муболаға бўлмайди. Майдон марказида тўпни қабул қилиб олган Марадона қаторасига 4 ҳимоячини алдаб ўтди ва машҳур дарвозабон Шилтонни ҳам догда қолдириб, тўпни дарвозага аниқ йўллади. Линекер битта жавоб тўпини киритди ва ўйин аргентиналиклар ғалабаси билан тугади. ГФР — Мексика ва Испания— Бельгия ўйинларида ғолибни аниқлаш учун ўйиндан кейинги 11 метрлик жарима тўпларидан фойдаланишга тўғри келди. Натижада ГФР ва Бельгия терма командалари ярим финалга йўлланма олдилар. Ярим финалда бутун куч ва маҳоратини Бразилия билан бўлган ўйинга сарфлаган французлар ГФРга 2:0 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Аргентина — Бельгия ўйинида Марадонанинг икки тўпидан сўнг 2:0 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб финалга Аргентина ва ГФР командалари чиқдилар.

Ва ниҳоят 29 июнда Мехикодаги машҳур «Ацтека» стадиони ҳал қилувчи ўйин бошланишидан бир неча соат олдин лиқ тўлди. Бутун Мексика аҳолиси Аргентинани қўллаб-қувватларди. Ўйиннинг 22-дақиқасида Аргентина футболчилари шиддатли ҳужум уюштирадилар ва ҳимоячи

(Охири. Бошн рўзноманинг аввалги сонларида).

Мухлислар диққатига!

Энди футбол ишқибозлари учун бенизоҳ қувончли бир янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Илк марта биринчиликнинг барча 52 ўйини «Ойнаи жаҳон» орқали кўрсатилади. Ҳозирча гуруҳларда ўтказиладиган 36 ўйиннинг рўйхатини берамиз. Бунда биринчи устун — ўйин ўтказиладиган кун, иккинчи устун — намойиш этиладиган программа, учинчи устун — Москва вақти бўйича намойиш соати, тўртинчи устун — ўйиннинг тартиб номери, бешинчи устун ўйин ўтказиладиган шаҳар ва олтинчи устун эса беллашадиган командаларни билдиради. Эрталабки соатларда фақат аввалги куни ёзиб олинган беллашувлар кўрсатилади.

08.6	II	19.45	1	Милан	Аргентина — Камерун
09.6	I	18.45	2	Бари	СССР — Руминия
09.6	II	22.45	3	Рим	Италия — Австрия
10.6	II	8.15	4	Болонья	БАА — Колумбия
10.6	II	18.45	5	Флоренция	АҚШ — Чехословакия
10.6	I	22.45	6	Турин	Бразилия — Швеция
11.6	I	8.35	7	Милан	ГФР — Югославия
11.6	II	18.45	8	Генуя	Коста-Рика — Шотландия
11.6	I	22.45	9	Кальяри	Англия — Ирландия
12.6	II	18.45	10	Верона	Бельгия — Жанубий Корея
12.6	II	22.45	11	Палермо	Голландия — Миср
13.6	II	18.45	12	Удине	Уругвай — Испания
13.6	I	22.45	13	Неаполь	Аргентина — СССР
14.6	II	18.45	14	Бари	Камерун — Руминия
14.6	II	22.45	15	Рим	Италия — АҚШ
15.6	II	8.20	16	Болонья	Югославия — Колумбия
15.6	II	18.45	17	Флоренция	Австрия — Чехословакия
15.6	II	22.45	18	Милан	ГФР — БАА
16.6	II	18.45	19	Турин	Бразилия — Коста-Рика
16.6	I	22.45	20	Кальяри	Англия — Голландия
17.6	II	8.20	21	Генуя	Швеция — Шотландия
17.6	II	18.45	22	Палермо	Ирландия — Миср
17.6	II	22.45	23	Верона	Бельгия — Уругвай
18.6	I	10.00	24	Удине	Жанубий Корея — Испания
18.6	I	22.45	25	Бари	Камерун — СССР
19.6	I	10.00	26	Неаполь	Аргентина — Руминия
19.6	II	18.45	27	Милан	ГФР — Колумбия
19.6	I	22.45	28	Рим	Италия — Чехословакия
20.6	I	10.00	29	Болонья	Югославия — БАА
20.6	I	11.00	30	Флоренция	Австрия — АҚШ
20.6	I	22.45	31	Турин	Бразилия — Шотландия
21.6	I	10.00	32	Генуя	Швеция — Коста-Рика
21.6	I	18.45	33	Верона	Бельгия — Испания
21.6	I	22.45	34	Палермо	Ирландия — Голландия
22.6	I	10.00	35	Удине	Жанубий Корея — Уругвай
22.6	I	11.00	36	Кальяри	Англия — Миср

Куни-кеча, 28 майда СССР Футбол федерацияси ФИФАга биринчиликда қатнашадиган 22 футболчининг номлари битилган рўйхатни жўнатди. Қуйида улар билан таништирамиз (футболчиларнинг тартиб рақамлари уларнинг биринчиликда майдонга тушадиган рақамларига тўғри келади):

1. Ринат Дасаев; 2. Владимир Бессонов; 3. Вагиз Хидиятуллин; 4. Олег Кузнецов; 5. Анатолий Демьяненко; 6. Василий Рац; 7. Сергей Алейников; 8. Геннадий Литовченко; 9. Александр Заваров, 10. Олег Протасов; 11. Игорь Добровольский; 12. Александр Бородюк; 13. Ахрик Цвейба; 14. Владимир Лютий; 15. Иван Яремчук; 16. Виктор Чанов; 17. Андрей Зигматович; 18. Игорь Шалимов; 19. Сергей Фокин; 20. Сергей Горлукович; 21. Валерий Брошин; 22. Александр Уваров.

Рўйхатни ўқиб, Ватанимиз футболи иқтидорларга нақадар бой эканлигидан киши кўнгли тўлқинланиб кетади. Чунончи, Родионов, Ю. Савичев, Саленко, Черенков, Кирьяков, Харин, Беланов каби юксак маҳоратга эга ўйинчиларга команда таркибидан жой топилмаганлиги бунинг яққол далилидир. Раҳбарларимиз дастлаб кучли тўртликка киришни режалаштирган эканлар, «Иштаҳа овқат пайтида очилади», деганларидек, биз, ишқибозлар командамизнинг ҳатто бундан ҳам юқорироқ ўрин эгаллашига тилакдошмиз.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

Тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарларга эга бўлган Авиасозлар маданият саройининг

«САМО» АНСАМБЛИ

бахт ва шодлик оқшомини кўнгилдагидек ўтказишда

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 16.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Манзилимиз: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 151, 54, 6-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати. Метронинг «Чкалов» станцияси). Телефон: 96-55-81.

«Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси

Ассалому алайкум, бизлар билан «Тўй» кинофильмини яратмоқ учун изтироб чекаётган азобдош дўстлар!

Сизлардан 9 ИЮНДАН 14 ИЮНГА ҚАДАР «Ўсарфильм»га келиб шартнома имзолашни, кийим танлашни, кийимлар тиктириш учун тикувчига бичим ўлчовини олдиришни ва пардозни аниқлашни илтимос қиламиз.

Шу мақсадда «Ўсарфильм»га келиб-кетган кишиларнинг иш ёки ўқиш жойларига «Ўсарфильм»дан маълумотнома берилади.

Техник тайёргарлик бўлаётганлиги муносабати билан «Тўй» кинофильмини суратга олиш вақти алоҳида эълон қилинади.

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи кинорежиссёр, «Ўсарфильм» муаллифи — **Саид Ўсар Бек.**

Бастакор — «Ўсарфильм»нинг мусиқа раҳбари **Даврон Ғойиб.**

Саҳналаштирувчи кинооператор — **Ҳамидулла Ҳасан.**

Саҳналаштирувчи кинорассом — **Қаҳрамон Нуриддин.**

Кийимлар рассоми — **Низомхўжа Нуриддинхўжа.**

Продюсер — **Қурбон Али Тилла.**

Масканимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй (Техника уйи. Метронинг «Октябрь инқилоби» бекати). **Телефон 32-01-29** (навбатчилик туну кун).

«Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНОМАКТАБИ КИНОРЕЖИССЁР, КИНОДРАМАТУРГ, КИНООПЕРАТОР, КИНОРАССОМ, КИНОБАСТАКОР, КИНОШУНОС, КИНОДЕКОРАЦИЯ РАССОМИ, КИНОСУРАТ РАССОМИ, ЛИБОСЛАР КИНОРАССОМИ, КИНОПАРДОЗ РАССОМИ, КИНОФИЛЬМ, ПРОДЮСЕРИ, КИНООВОЗ ОПЕРАТОРИ, КИНОҲИСОБЧИ, КИНОИҚТИСОДЧИ ВА КИНОМУҲАНДИС ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲАР БИР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР КИШИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ё бўлмаса танлаган касблари бўйича техникумни ё билим юртини ёки махсус мактабни битирган бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало ноёб инсоний фазилатларга, қолаверса; ўзига хос тафаккурга, юксак савияга, ўз маънавий оламига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари мажбурийдир.

Ўқишга ёши 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган, спортнинг якка кураш турларидан бири билан мунтазам шуғулланаётган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Ўқиш даври ўзлуксиз меҳнат стажига киради. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноусталари таклиф этилади. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг кино-институтлари, киномактаблари ва киностудияларида кўчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» олий киномактаби «Ўсарфильм» муаллифи, аспирант Саид Ўсар Бекнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустахонасидир.

Талабаларга ойига 200 (икки юз) сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари, «Ўсарфильм» муаллиф бирлашмасининг ижодий ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пули бериб борилади.

«Ўсарфильм» олий киномактабининг талабалари биринчи ўқув йилининг якунида икки соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва киномактабни битириш арафасида икки соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий киномактабини битирган талабаларга эгаллаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм»га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатлари ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари ўтказилиб, ижодий асарлар ва ҳужжатлар қабул қилинаяпти. Дастлабки суҳбатлар 7-8 апрель, 5-6 май, 2-3 июнь кунлари ўтказилди.

Навбатдаги суҳбатлар 30 июнь ва 1 июль, 4-5 август кунлари, 1, 2 сентябрь кунлари эса суҳбатнинг иккинчи тури) соат 12.00 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ:

Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 октябридан бошланиб, ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари, Сиз саҳналаштирган спектакларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга ола келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларини «Ўсарфильм» олий киномактабига топширгани ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси кўчирмаси билан (меҳнат дафтарчаси ўқишга киргач олиб қолинади), 2 дона 9x12 см, 2 дона 4x6 см., 2 дона 3x4 см., ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат, ариза, таржимаи ҳол.

«Ўсарфильм» олий киномактаби ўзининг бўлғуси иқтидорлари талабларини интиқлик билан кутади...

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Инқилоб хиёбони, (Метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси 48-уй. (Техника уйи). Телефон 32-01-29 (навбатчилик туну кун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ

9 ИЮНЬ СОАТ 18.00 ДА

I-қисм

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофоти лауреати

САИД АҲМАДНИНГ

70 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

2-қисм

Санд Аҳмад асари

ФАРМОНБИБИ АРАЗЛАДИ

(2 пардали ҳазил)

БОШ РОЛДА — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ЗАЙНАБ САДРИЕВА.

Танаффус вақтида — драма актёрлари куйлайди: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ЕДГОР САЪДИЕВ, артистлар: ШАВКАТ ТОЛИПОВ, МУНОЖАТ ТЕШАБОЕВА.

Театрнинг бош режиссери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари лауреати БАҲОДИР ИҲЛДОШЕВ.

Билетлар сотилмоқда, оммавий буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар: 44-56-52, 44-11-70, 44-05-78.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

6 июнь соат 17.00 ва 20.00 да

Чимкентлик хушовоз хонанда
Ғиёс БОЙТОЕВ
ВА
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕДОВ
иштирокида

Янги концерт программаси

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/VI да **Тоҳир ва Зуҳра** (19.00), 6/VI да **Дунёнинг яратилиши** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 4/VI да **Мушнул савдо**, 6/VI да **Гул ва Наврўз**, 7/VI да **Мансаб шайдоси.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ТЕАТРИДА — 4/VI да **Найнов ва панана** (19.00). 5/VI да **Майсаранинг иши** (19.00). 6/VI да **Зиёрат** (19.00), 7/VI да **Отасининг қизи** 19.00).

КИНО

4 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.40), «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (тоқ соатларда ва 19.00 да).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда)

К. Ерматов номли — «ЗИТА ВА ГИТА» (18.30, 20.00).

Восток — «ГУ-ГА» (18.30, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

5, 6, 7 ИЮНДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Нукус — «ФИДОЙИ» (тоқ соатларда).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (тоқ соатларда).

Москва — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (11, 13, 15, 17, 20.40); «ЕНГИЛМАС ОЕҚ» (тоқ соатларда ва 19.00 да); «ҲОКИМЛИК СОЯСИ» (19.00).

Дружба — «ФИДОЙИ» (ҳар соатда)

К. Ерматов номли — «ЗИТА ВА ГИТА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00).

Восток — «ГУ-ГА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Фестиваль — «АВАРИЯ» — ХИТНИНГ ҚИЗИ» (20.45).

Собир Раҳимов район давлат суғурта инспекциясига берилган 200-сонли формадаги 00062 сериали 916424 дан 916450 гача тартиб рақамларидаги йўқолган

ҚВИТАНЦИЯЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Красний Октябрь» санаторийсининг йўқолган

ТЎРТ БУРЧАКЛИ ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Куйбишев район давлат суғурта инспекцияси томонидан берилган ПД серия 21-андозадаги 688113-сонли йўқолган

ҚВИТАНЦИЯ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДИҚҚАТ!

Тель-Авив ва Будапештга доимий яшаш учун жўнаб кетаётган фуқаролардан юк қабул қилиш ва расмийлаштириш вақтинча
ТЎХТАТИЛДИ
Ҳаво йўллари марказий агентлиги.

Ўзбекистон ССР Агросаноат Давлат комитетининг жумҳурият таъминот базасига қарашли 13-сонли омборнинг йўқолган

ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлимининг 36-поликлиникасига касаллик варақалари учун берилган йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 102-ўрта мактаб томонидан **Тешабоев Абдуқаҳҳор Абдураимович** номига берилган 731763 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 83-ўрта мактаб томонидан **Остонов Санжар Сафарович** номига берилган 731470 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 114-ўрта мактаб томонидан Тоҳирова Карима Низомиддиновна номига берилган Г 687491 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Чилонзор ноҳия халқ таълими бўлими ва Чилонзор ноҳиясидаги 200-мактаб педагогика коллективи шу мактабнинг собиқ директори

Чўлпон
МИРТОЖИЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахона жамоатчилиги корхонанинг ишчиси Ш. Қўшақовга отаси, кекса матбаа ходими, пенсионер, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Убайдулла
ҚУШАҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

140.390 нусхада чоп этилди. Индекс 64690. Д—2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10. Р. — 01347.